

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.28.12.2017.Tib.59.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

МАХАМАДАМИНОВА ШОИРА АБДУВАЛИЕВНА

**БОЛАЛАР ХИҚИЛДОҚ ПАПИЛЛОМАТОЗИНИНГ КЛИНИК-
ФУНКЦИОНАЛ ТАВСИФИ, ТАШХИС ВА ДАВОЛАШНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**14.00.04 - Оториноларингология
14.00.36 – Аллергология ва иммунология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРЛИК (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ-2018

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Content of the abstract of doctoral (DSc) dissertation

Махамадаминова Шоира Абдуваалиевна

Болаларда ҳиқилдоқ папилломатозини клиник-функционал тавсифи, уни
ташҳислаш ва даволашни оптималлаштириш

3

Махамадаминова Шоира Абдуваалиевна

Клинико-функциональная характеристика, оптимизация диагностики и
лечения папилломатоза гортани у детей

29

Mahamadaminova Shoira Abduvalievna

Clinical and functional characteristics, optimization of diagnosis and
treatment of papillomatosis of mountain in children

51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works

56

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.28.12.2017.Tib.59.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

МАХАМАДАМИНОВА ШОИРА АБДУВАЛИЕВНА

**БОЛАЛАР ХИҚИЛДОҚ ПАПИЛЛОМАТОЗИНИНГ КЛИНИК-
ФУНКЦИОНАЛ ТАВСИФИ, ТАШХИС ВА ДАВОЛАШНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**14.00.04 - Оториноларингология
14.00.36 – Аллергология ва иммунология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРЛИК (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ-2018

Докторлик (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида 28.04.2016/В2016.2.Tib719 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.tdsi.uz) ва «ZiyoNet» ахборот - таълим тармоғида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчилар:

Абдуллаева Нигора Нусратовна

Тиббиёт фанлари доктори, доцент

Исмаилова Адолат Абдурахимовна

Тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Қарабоев Хуррам. Эсамкулович

Тиббиёт фанлари доктори, профессор

Арипова Тамарахон Уктамовна

Тиббиёт фанлари доктори, профессор. ЎзР ФА академиги

Тулебаев Раис Каженович

Тиббиёт фанлари доктори, профессор. Қазақстан Республикаси ФА академиги

Етакчи ташкилот:

Krfnktnhaus Hietzing, Austria. Австрия
Хиетцинг госпитали, Австрия.

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат стоматология институти ҳузуридаги DSc.28.12.2017.Tib.59.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «__» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Махтумқули кўчаси, 103. Тел/факс: (+99871)230-20-65, 230-47-99, e-mail: tdsi2016@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент давлат стоматология институти Ахборот – ресурс марказида танишиш мумкин (____ - сон билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Махтумқули кўчаси, 103. Тел/факс: (+99871)230-20-65, 230-47-99).

Диссертация автореферати 2018 йил «__» _____ кун тарқатилди.
(2018 йил «__» _____ даги ____ рақамли реестр баённомаси).

Ж. А. Ризаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори

Л. Э. Хасанова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

А. А. Абдукаюмов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
Қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бутун жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан ҳиқилдоқ папилломатози (ХП) одам папилломаси вируси (ОПВ) ОПВ-6 ва ОПВ-11 билан чақириладиган касаллик сифатида белгиланган бўлиб, текширувлари натижаларига асосланган ҳолда болалар ҳиқилдоқ папилловирус инфекцияси шаклланган иммунтанқислик ҳолатига киритиш мумкин¹. Бунда папилломалар ҳиқилдоқ, ҳиқилдоқ ости ва кекирдакнинг ҳар-хил паст қисимларида шаклланиб, болалар ҳаётига обструкция туфайли жиддий муаммо келтириб чиқариши мумкин. ХП асосан 5 ёшдан кичик болаларда кузатилиб балоғат ёшигача қайталаниши мумкин. Шимолий Америка ва Ғарбий Европа давлатлари бўйича педиатрик популяцияда ХПнинг тарқалиши ўртача 100 000га 4,3 нафарни ташкил қилади, АҚШда ўтказилган тадқиқотларга асосан ЛОР шифокорлари ўртасида ўтказилган сўров натижалари бўйича педиатрик популяцияда 100000 болага 4,3 та ХП тўғри келади.

Бундан ташқари, аксарият тадқиқотчилар асосан паст ижтимоий-иқтисодий мавқега эга оилаларнинг болалари ўртасида мазкур касалликни ривожланишини ўзига ҳослигини таъкидлаб ўтадилар. Дунё миқёсида болалар ҳиқилдоқ папилломатози касаллигини ташхислаш, даволашга тизимли ёндашувнинг юқори самарадорлигига эришиш усуллари ва профилактикага оид бир қатор йўналишлар бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Буларга интерферон ва цитокин ҳолат (ИФН-альфа, ИФН-гамма, ИФН-альфага ИЛ-6, ФНО-альфа нисбатан антитаналар)ни баҳолаш; ҳиқилдоқ шиллиқ пардасининг морфоцитологик ўзига ҳос хусусиятларини ва унинг бирламчи цитодиагностикаси имкониятларини аниқлаш ва 3-Д режимидаги МСКТ текширувлар киради. Одатда ҳиқилдоқда ўсиш билан чегараланувчи папилломалар яхши сифатли касаллик бўлишига қарамай, клиник кечиши, тез-тез қайталаниши ва бутун нафас йўли паренхимасига, яъни, ўпка тўкимаси бўйлаб тарқалиш мумкин. Бунга трахеостомия, интубацион трубка тегиши ёки Пирагов –Вальдер ҳалқа касалликлари ҳам сабаб бўлади.

Вирусологлар ва иммунологлар текширувлари натижаларига асосланган ҳолда болалар ҳиқилдоқ папилловирус инфекцияси шаклланган иммунтанқислик ҳолатига киритиш мумкин, эҳтимол у иммун жавобнинг бир ёки бир неча механизмларидаги нуқсонлар билан боғлиқ. Иммунтанқислик – иммун тизими етишмовчилиги билан тавсифланувчи мустақил касалликдир. Албатта, инфекцияларда илгари меъёрда фаолият кўрсатган иммун тизими фонида ривожланувчи клиник-иммунологик синдром ҳисобланмиш иккиламчи иммунтанқислик шаклланади ва у иммунрезистентликни специфик ва/ёки носпецифик омилларини миқдорий ва функционал кўрсаткичларини турғун кучли пасайиши билан тавсифланади. ХП билан оғриган беморларни даволашнинг кўплаб ҳар хил

¹БЖССТ ВОЗ. Одам папилломавирусига қарши вакцина: БЖССТ манзил ҳужжати, октябр 2014// Ҳар ҳафталик эпидемиологик бюллетень 2014 йил 24 октябр.

усуллари мавжудлигига қарамай, папилломовирусли инфекция муаммосини ҳал қилишга оптимал ёндашув ишлаб чиқилмаган. Оператив муолажалар сонининг ошиши туфайли касаллик рецидиви частотаси ҳамда ҳиқилдоқ ва трахеяда чандиқ ҳосил бўлиш жараёнларининг ривожланиши пасайиш тенденцияси кузатилмоқда. Бундан ташқари, ХП билан оғриган болаларни даволаш динамикасида альфа, бетта, гамма интерферонлари, шунингдек, альфа интерферонга нисбатан антитаналар миқдорини ўрганиш, айниқса, муҳим аҳамиятга эга. Мазкур илмий тадқиқот папилломатозни даволаш ва унинг рецидивлашувини қисқартириш борасида эришилган ютуқлар билан бир қаторда мамлакатимизда оғир беморлар контингентини самарали реабилитациялаш учун хизмат қилувчи беморларни юритиш схемаси татбиқ этилган.

Бугунги кунда мамлакатимизда аҳолининг турли қатламлари орасида қатор юқумли ва соматик касалликларни эрта ташхислаш ва асоратларини камайитиришга қаратилган кенг қамровли дастурий тадбирларни амалга ошириш муҳим ўрин тутди. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясининг бешта устувор йўналишида «болаларга сифатли тиббий хизмат кўрсатиш имкониятларини кенгайтириш, ихтисослаштирилган ва юқори технологик ёрдам кўрсатиш»нинг ўта муҳимлиги белгиланган бўлиб, бу аҳоли, хусусан болалар ва ўсмирлар саломатлигини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган ишларни янада ривожланишини таъминлайди².

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи³.

Болаларда ҳиқилдоқ папилломатозини эрта ташхислаш, касаллик ривожланишидаги вирусологик-иммунологик факторлар ва олдини олиш чора тадбирлари дунёнинг бир қатор етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан: Academic Medical Center, Amsterdam, (Netherlands); Royal National Throat, Nose and Ear Hospital, London (United Kingdom); Queens Medical Centre, Nottingham, (United Kingdom); Rhinology Unit & Smell Clinic, ENT Department, Hospital Clínic – IDIBAPS, Barcelona, Catalonia, (Spain); Yong Loo Lin School of Medicine, National University (Singapore); Department of Otorhinolaryngology - Head and Neck Surgery, University of Pennsylvania Health System, Philadelphia, (USA); Medical

²2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси² ПФ-4947-сонли фармони

³ Диссертация мавзуси бўйича хорижий-илмий тадқиқотлар шарҳи: <http://www.uva.nl/en/faculties/faculteit-der-geneeskunde/faculty-of-medicine-amc.html>; <http://www.uclh.nhs.uk/OurServices/OurHospitals/RNTNE/Pages/Home.aspx>; <https://www.nhs.uk/Services/hospitals/Overview/DefaultView.aspx?id=2027>; <https://www.me-oto.com/en/me-oto-/Rhinology.html>; <http://hubc.ub.edu/en/entitats/mapa-actors/university-hospital-clinic-de-barcelona>; <http://www.nuhs.edu.sg>; <https://www.pennmedicine.org/departments-and-centers/otorhinolaryngology>; <https://www.cancer.com.au/locations/macquarie-university-hospital>

University of South Carolina, Charleston, (USA); St Vincents Hospital, University of New South Wales & Macquarie University, Sydney, (Australia); «Хиқилдоқ микрохирургияси» илмий-клиник оториноларингология маркази (ФГБУ НКЦО ФМБА Россия) ва ТМА (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Болалар хиқилдоқ папилломатози эрта ташхислаш ва даволашга тизимли ёндашувларни оптималлаштиришни илмий асослашга йўналтирилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, куйидаги натижалар олинган: болаларда хиқилдоқ папилломатозини тарқалиши, асоратлари ва эпидемиологияси бўйича ўтказилган изланишлар натижаларига кўра, Q. Cue, Н. Ван, J. Ван нафас йўллари папиолломатозига хиқилдоқ соҳасининг зарарланиши билан кечувчи касаллик сифатида қараб, уни ҳаёт учун хавфли касалликлар қаторига киритишди; хиқилдоқ папилломатози социал ҳолати паст булган оила фарзандларида олиб келиши исботланган (University Dusseldorf Medical Center Германия); папилломатозни ташхислаш тизими, унинг 30 дан HPV ортик вирус генотиби юқори концероген хусусиятга эга эканлиги ва бу эса карцинома ривожланишига олиб келишини такидлаган (New South Wales Medical clinics state Австралия); хиқилдоқ папилломатози 6-11 типдаги вирус олиб келиши полимераза занжирли реакция (ПЗР) диагностикаси йўли билан исботланган (Indiana University School of Medicine, Хиндистон); ОПВ тарқалишини фақат эмлаш дастурларини киритилгандан кейин кескин тўхтатиш мумкинлиги аниқланган (Cleveland Clinic АҚШ); тадқиқотлар кўпчилиги ХПга эмас, балки папиллома вируси инфекциясига ва у билан боғлиқ бўлиши мумкин бўлган касалликларга, яъни унинг тарқалишининг асосий манбаи бўлган генитал ОПВнинг турлари аниқланган (University of Miyazaki, Япония); касаллик онкопротеинлари Е6 ва Е7 нинг р53 бўлиб, бу онкопротеинлар функцияси ва эпителия хужайраларида ретинобластома генини ингибиция қилишдаги ўрни, пролифератив жараёнларни индукциялашга олиб келадиган вируснинг бошқа хусусиятлари асосланган (Yokohama City University, Япония, University Miami, АҚШ); ХП билан оғриган болаларда аниқланган D14.1 ген, касалликни яхши сифатли табиатини исботлайди (University of Waterloo, Канада); ХП да трахеостомик амалиётдан сунг упка паренхимасига вирусни тарқалиши аниқланган (Mumbai University, Хиндистон), ларингологик субклиник белгиларини аниқлаш мақсадида перинотал скрининг дастури ишлаб чиқарилган (Австралия), хиқилдоқ папилломатозини ташхислаш ва даволашга тизимли ёндашувни оптималлаштириш тартиби исботланган (3-ТМА клиникаси).

Ҳозирги кунда дунё миқёсида болалар хиқилдоқ папилломатози касаллигини ташхислаш, даволашга тизимли ёндашувнинг юқори самарадорлигига ва профилактикага оид бир қатор йўналишлар бўйича эришиш усуллари илмий ва изланишлар олиб борилмоқда; касалликнинг клиник кечишига мос равишда хиқилдоқ папилломатози билан оғриган болалардаги интерферон ва цитокин ҳолат (ИФН-альфа, ИФН-гамма, ИФН-альфага ИЛ-6, ФНО-альфа нисбатан антитаналар)ни баҳолаш; хиқилдоқ шиллик пардасининг тўқималар хужайралари ўзига хос хусусиятлари ва

унинг бирламчи хужайрани баҳолаш; олинган клиник-иммунологик маълумотлар асосида рецидивланиш муддатини қисқартириш бўйича чораларни ишлаб чиқиш, касалликни башоратлаш ва уни олдини олиш чораларини кўриш тизими кўриб чиқиш; болаларда ҳиқилдоқ папилломатозини клиник кечишини ўзига хос хусусиятларини аниқлаш ва унинг қайталанишига таъсир қилувчи омилларни белгилаш; ҳиқилдоқ папилломатозининг клиник кечишини ўзига хослигига мос равишда болаларнинг иммунреактивлиги (хужайравий ва гуморал омиллар)ни ўзига хос хусусиятларини аниқлаш; лазер технологияси ёрдамида янги замонавий консерватив ва жарроҳлик даволани кўриб чиқиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Респиратор папилломатозни ўрганишнинг янги даври унинг вирус табиатга эга эканлиги аниқлангандан кейингина (1980 ва 2000 йиллар) бошланди ва у мазкур соҳадаги тадқиқотларни жадал ривожланишига олиб келди (Ашуров З.М., Зенгер В. Г., 2004;). Бироқ, шуни қайд этиб ўтиш лозимки, аксарият тадқиқотлар ва кашфиётлар узоқ хорижий олимлар билан боғлиқ, чунки вирус табиатли касалликларни ўрганиш катта молиявий маблағ ва инновацион технологияларни талаб қилади.

Аксарият тадқиқотлар касалликни тарқалганлиги ва эпидемиологиясига бағишланган (Born H., Ruiz R., Verma A., 2014) томонидан респиратор папилломатоз асосан ларингеал соҳани жароҳатланиши билан боғлиқ ва потенциал ҳаётга хавф солувчи касаллик сифатида белгиланган (Andrus J. G., Sharshay S. M., 2006). Тадқиқотларнинг аксарияти эса аниқ ХП эмас, балки папилломовирус инфекцияси ва у билан ассоциацияланган касалликларга бағишланган. Кўпинча касаллик тарқалишининг асосий манбаи бўлмиш генитал одам папиллома вирусининг (ОПВ) турли томонлари ёритилади.

Ўзбекистонда болалар ҳиқилдоқ папилломатози муаммоси ўтган асрнинг 90-йилларида (Якубов М. М., 1993), яъни мазкур касалликни ОПВ-инфекцияси билан алоқадорлиги маълум бўлмаган бир вақтда ўрганилган. Шунинг учун ҳам, тадқиқотлар кўпроқ анатомик ўзига хос хусусиятлар (тарқалганлиги бўйича тақсимлаш)ни камраб олган. ХП ва унинг тез-тез қайталаниш ҳолатини иммун тизимидаги бузилишлар билан боғлашга уринишлар бўлган, шу сабабли даволаш комплексига иммун тизимни кучайтирувчи, хусусан интерферонлар киритилган (Lee R. G., Vecchiotti M. A., Hearhy J., 2010). Бироқ, гарчанд морфологик биоптатларда вирус этиологиясига хос булган номаълум хужайралар, кейинчалик койлоцитлар деб номланган ва шунингдек хужайралар цитоплазмасида вирусологик йирик вакуолалар аниқланган бўлсада, тадқиқотларда ҳам ОПВнинг бўлиши мумкин этиологик омили ҳақидаги маълумотлар келтирилмаган. Ҳозирги вақтда мазкур хужайралар койлоцитлар деб номланади ва улар ОПВнинг бевосита исботи деб синалади (Larson D. A., Derkay C. S., 2010; Иванченко Г. Ф. 2000). 2000чи йилларда ҳиқилдоқ папилломатози бўйича мақсадга йўналтирилган тадқиқотлар ўтказилмаган, турли даволаш усуллари бўйича

тарқоқ маълумотлар мавжуд бўлиб, бу борада яхлит бир бутун илмий тадқиқот ишлари ўтказилмаган.

Ҳозирги вақтда Америка, Европа ва Австралиялик тадқиқотчилар томонидан ОПВга қарши вакцинация дастури киритилгандан сўнггина респиратор папилломатозни назорат қилиш мумкин деган ҳулосага келинган.

Барча ўтказилган тадқиқотларга қарамай, ХПни қайталаниши аниқ сабаблари маълум эмас, аниқ дори воситалари, ХПни кечишига оид башорат мезонлари, уни клиникагача аниқ, эрта ташхисоти ва профилактика чораларини ишлаб чиқиш бўйича янги илмий изланишларни ўтказиш ўта муҳимдир.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент Тиббиёт Академияси, «Оториноларингология ва стоматология» кафедрасининг «Ички ва ташқи мухитнинг салбий омилларининг ҳисобга олиб, қулоқ, юқори нафас йўллари ва юз-жағ соҳа касалликларини даволаш, диагностика, реабилитация ва касалликни олдини олишни такомиллаштириш 00101.1100156» (2015-2020йил) ва ЎР Академияси Иммунология институти қошидаги Иммунопатология ва иммунофармакология лабораториясида «Метаболик синдромда иммунодиагностика ва иммундаволаш алгоритмларини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш ПЗ-20170929377» (2017-2019йил) амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади болаларда ҳиқилдоқ папилломатозини ўрганиш, унинг ташхисий ва башорат мезонларини аниқлаш ҳамда қайталаниш кечишида таркибий даволаш чораларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

болаларда ҳиқилдоқ папилломатозини клиник кечишини ўзига хос хусусиятларини аниқлаш ва унинг қайталанишига таъсир қилувчи омилларни белгилаш;

ҳиқилдоқ папилломатозининг клиник кечишини ўзига хослигига мос равишда болаларнинг иммунқаршилиги (хужайравий ва гуморал омиллар)ни ўзги хос хусусиятларини аниқлаш;

касалликнинг клиник кечишига мос равишда ҳиқилдоқ папилломатози билан оғриган болалардаги интерферонлар ҳолати (ИФН-альфа, ИФН-гамма, ИФН-альфага нисбатан антитаналар)ни баҳолаш;

касалликнинг клиник кечишига мос равишда ҳиқилдоқ папилломатози билан оғриган болалардаги цитокинлар ҳолати (ИЛ-6, ФНО-альфа)ни баҳолаш;

ҳиқилдоқ папилломатози билан оғриган болаларда ҳиқилдоқ шиллик пардасининг морфоцитологик ўзига хос хусусиятларини ва унинг бирламчи цито-ташхислашни имкониятларини такомиллаштириш;

олинагн клиник-иммунологик маълумотлар асосида рецидивланиш муддатини қисқартириш бўйича чоралар комплексини ишлаб чиқиш, касаллик ни башоратлаш ва уни олдини олиш чораларини кўриш.

Тадқиқотнинг объекти: 6 ойликдан 15 ёшгача бўлган ҳиқилдоқ папилломатози билан оғриган 186 бола, ҳамда назорат гуруҳига кирувчи шу ёшдаги 80 нафар соғлом бола ташкил килади.

Тадқиқотнинг предмети: кон, кон зардоб, лунж, ҳиқилдоқ-халқум ва ҳиқилдоқдан олинган суртма, оператив жарроҳлик амалиётида олинган ўсма бўлакчалари.

Тадқиқотнинг усуллари. умумклиник, инструментал (эндоскопия), функционал (МФВ – максимал фонация вақти), 3D МСКТ-текшируви, иммунологик (гуморал ва ҳужайравий иммунитетни ўрганиш), морфологик, статистик текширув усуллари.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор ҳиқилдоқ папилломатози билан оғриган болаларда ОПВ борлигини аниқлаш учун юзага келадиган вирус этиологик, морфологик ва цитологик ўзгаришлар орасида корреляцион алоқа мавжудлиги аниқланган;

илк бор ОПВ борлигини аниқлаш учун вирусологик текширув билан ҳиқилдоқ папилломатози 6-11 типдаги вирус олиб келишини полимераз занжирли реакция (ПЗР)си исботлаган;

ҳиқилдоқ папилломатози билан оғриган болалардаги касалликни клиник кечишида цитокинлар ҳолати, ФНО кўрсаткичлари, альфа- ва гамма ИФН даражасининг кўрсаткичлар корреляцияси билан бирга мунтазам боғлиқлиги топилган;

илк бор яллиғланиш олди цитокинлари (ФНО) миқдорининг маълум кўрсаткичлари болалардаги ҳиқилдоқ папилломатозининг рецидивланиши даражасини аниқлашнинг башорат омили эканлиги аниқланган;

индукция вақтида интерферон статус (альфа-, гамма-ИФН) ўзгаришлари динамикасини аниқлаб, ҳиқилдоқ папилломатозини иммундаволаш дори воситаларини тайинлаш исботланган;

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

оғиз бўшлиғи шиллиқ пардасининг цитологик текширувларини ўтказиш папилломатоз касаллигини ривожланиш эҳтимолини башоратлаб, папилломовирусли инфекцияни ташхислашнинг экспресс имконини берган;

илк бор болалардаги ҳиқилдоқ папилломатозини босқичма-босқич ташхислаш бўйича комплекс чоралар, шунингдек бундай болаларни юритиш тактикасини патогенетик асосланган схемаси ва вирусга қарши иммундаволаш тамойиллари ишлаб чиқилган;

яллиғланиш олди цитокинлари (ЦИК) миқдорини аниқланиб, болаларда ҳиқилдоқ папилломатозининг кечишини башорат қилиш ва беморни юритиш тактикасини йўлга қўйилган;

3D режимидаги МСКТ текширувлар ва Пирогов – Вальдейер ҳалқа ҳолатини текшириш, касалликни башоратлаш жарроҳлик тактикасини режалаштириш учун имкон берган;

ишлаб чиқилган даво-ташҳисот алгоритми патологик жараённинг кечишини клиник ўзига хос хусусиятлари ўрганилиб, даволаш тактикасини белгилаш учун ахборий, оптимал даражада йўлга қўйилган;

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тажрибаларнинг услубий жихатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, ҳиқилдоқ эндоскопия, стробоскопия, 3D МСКТ ва Пирогов-Вальдер ҳалқаси касалликларини текшириш сингари стандарт оториноларингологик текширувлар билан бир қаторда махсус иммунологик-вирусологик усуллар ердамида ишлов берилганлиги, шунингдек, касалликни ташҳиси ва даволашга тизимли ёндашув натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, ҳулоса, олинган натижаларининг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти - болалар ҳиқилдоқ папилломатози қайталаниш этиологияси ХП вируси тажжавузини иммун ҳолат ошқозон-ичак система касалликларини мавжудлиги, Пирогов-Вальдер ҳалқа касалликларини мавжудлиги аниқланиб уларни бартараф этиш чоралари белгиланган. Шу қаторда илк бор ҳиқилдоқ папилломатози билан оғриган болаларда ОПВни аниқлаб касалликни башорат қилиш, морфо-цитологик иммунологик ва 3D МСКТ текширувларни аҳамияти билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти болаларда ҳиқилдоқ папилломатозини қайталаниш даврини кескин узайиши клиник, морфо-цитологик, иммунологик кўрсаткичларни ҳисобга олган ҳолда касалликни самарали турғун ремиссиясини таъминловчи омилларга катта аҳамият бериб даволаш алгоритми ишлаб чиқилган. Мазкур алгоритм ХП қайталанишини истисно қилиш имконини беради, болалар товуш системаси чандиқли асоратларини камайтиради, самарали жаррохлик, консерватив даволаш тизимини яхшиланиши, иқтисодий самарага эришилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши: Болаларда ҳиқилдоқ папилломатозининг эрта ташҳиси ва даволашга тизимли ёндашув бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Инсон қон зардобидида айланадиган иммун комплексларини аниқлаш» бўйича Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган (IAR №20180218, 2018 йил). Мазкур ихтиро патенти инсон қон зардобидида айланадиган иммун комплексларини вирус ҳужум қаршилигини аниқлаб, касалликни қайталанишига сабабчи факторларнинг олдини олиш тизимини шакллантириш имконини берган;

«Болалар ҳиқилдоқ папилломатозида иммунқаршилиқни ташҳислашда замонавий тамойиллар» услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 21 майдаги 8-н-р/135-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма касалликни ташҳислаш мезонлари, олиб келувчи сабабларни аниқлаш ва қайталанишига сабабчи факторларнинг олдини олиш тизимини шакллантириш имконини берган;

«Ҳақилдоқ папилломатози билан оғриган болаларни юритиш тамойиллари» услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 21 майдаги 8-н-р/136-сон маълумотномаси). Натижада ҳақилдоқ папилломатози билан оғриган болаларни ўз вақтида ташхислаш ва уларни патогенетик асосланган юритиш тактикасини ишлаб чиқиш имконини берган. Бу эса ўз навбатида ХПнинг оғир шакллари билан беморлар сонини камайиши ҳамда ҳақилдоқнинг торайиши ҳолатларини камайишига олиб келган;

ҳақилдоқ папилломатози билан оғриган болаларда ўтказилган даво-ташхисот чоралари ўз вақтида ташхислаш ва уларни патогенетик асосланган юритиш тактикаси бўйича ишлаб чиқилган илмий тадқиқот натижалари (АДСС 15.27.3-2017.25.04; №133) амалий ва (СС-Итаб-2018-10; 22.05; №197) иновация грант лойиҳаларда акс эттирилган;

олинган илмий натижалар болаларда ҳақилдоқ папилломатоз клиник-функционал тавсифи, ташхис ва даволашни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар Республика илмий иммунология маркази цитокинларни тадқиқ қилиш лабораториясининг амалий фаолиятига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 21 майдаги 80н-д/140-сон маълумотномаси). Натижада болаларда учрайдиган ҳақилдоқ папилломатозининг клиник-патогенетик ривожланишини башорат қилиб, папилломатоз жараёнини узоқ ремиссиясига ва болаларни чуқур гипоксия ҳолатига тушмасдан ҳаёт сифатини яхшилашга имкон берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 7 та, жумладан 3 та халқаро ва 4 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 20 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, шундан, 7 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш қисми, адабиётлар шарҳи, тадқиқотнинг материал ва усуллари, 4 боб шахсий кузатувлар, ҳулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 184 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари белгилаб берилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва олинган натижаларнинг илмий-амалий аҳамияти баён этилган, ишнинг апробацияси, чоп этилган ишлар, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Болаларда ҳақилдоқ папилломатози муаммоси ҳолати**» деб номланувчи ва бешта бобчадан иборат биринчи бобида адабиётлар шарҳи келтирилган. Адабиётлар шарҳи ҳақилдоқ папиллома-

тозининг эпидемиологияси, этиологияси, ташҳисоти, касаллик ривожланишининг патогенетик жиҳатлари ва коморбидлик масалаларига бағишланган. ОПВ (одам папилломаси вируси) билан ассоциирланган касалликларнинг ривожланиш механизмлари, умумий вирусли касалликлар ва хусусан ОПВ билан инфекцияланганда иммунреактивликнинг ўзига хослиги кўриб чиқилган. Болаларда ХПнинг кечишини клиник ўзига хос хусусиятлари; ХПда замонавий ташҳисот ва даволаш усуллари, хирургик тактика масалалари тақдим этилган. Махсус терапияни ўтказишга кўрсатмалар, унинг самарадорлиги ва ХП билан оғриган болаларни юритиш муҳокама қилинган. Кейинги ишлаб чиқишни талаб қилувчи мунозарали ва ҳал бўлмаган масалалар кўрсатилган.

Диссертациянинг «Тадқиқотнинг материали ва усуллари» деб номланувчи иккинчи бобида тадқиқот материали ва усуллари келтирилган. Ишда Тошкент тиббиёт академиясининг ЛОР клиникасида 2008-2017 йилларда ҳиқилдоқ папилломатози бўйича даволанган 6 ойликдан 18 ёшгача бўлган 186 беморни даволаш натижалари таҳлил қилинган.

Текширилганлар орасида ўғил болалар 54,8%ни ташкил қилди, бироқ жинсга оид ишончли фарқлар аниқланмади. Беморлар ёш таркиби бўйича кўриб чиқилганда, аксарият беморлар (150, 80,6%) 7 ёшгача болалар эканлиги аниқланди, уларнинг катта улуши – 39,2%ни эрта ёшдаги (3 ёшгача) болалар ташкил қилиб, уларда касаллик товуш ёриғининг кучли торайиши ва нафас етишмовчилигининг ривожланиши билан кечди. Барча беморлар тўлиқ клиник ва иммунологик текширувдан ўтказилди. Махсус текширув қуйидагиларни ўз ичига олди. Ҳиқилдоқни текшириш – ларингоскопия стандарт усулда амалга оширилди. Эндоскопик текширувлар қаттиқ эндоскоплар ёрдамида бажарилди. МСКТ-текшируви виртуал ларингоскопия билан 3D режимда ўтказилди. Дисфония ва МФВ (максимал фонация вақти) товуш ёриғига ўсиш ҳажмига мос равишда товуш боғламларининг туташмаганлик даражасига асосланган стандарт усулларда амалга оширилди. Гистологик ва цитологик усулларни ўз ичига олган морфологик текширувлар ўтказилди. Иммунологик ва вирусологик текширувлар ҳужайравий ва гуморал иммунитет, цитокин статус ва ОПВни ПЦР-идентификациясини ўз ичига олди.

Беморлар касалликнинг клиник кечиши, рецидивланиши частотасига мос равишда гуруҳларга бўлинди: касалликнинг доимий рецидивланувчи, тез-тез рецидивланувчи ва камдан-кам рецидивланувчи шакллари. Бунда деярли 47%ни касалликнинг йилига 3 мартадан ортиқ рецидивлари билан кечадиган тез-тез рецидивланувчи (ва 53% камдан-кам рецидивланувчи) шаклининг кўп учраши қайд этилди.

Болаларда ҳиқилдоқ папилломатозини ривожланишининг демографик ва ижтимоий омиллари анамнезини ўрганиш натижасида қуйидагилар аниқланди:

- 71,5% оилалар (133 бемор бола) да болаларнинг оталари меҳнат муҳожирларидир.

- Паст ижтимоий статусга эга оилалар (ота ҳам, она ҳам олий ёки махсус маълумотга эга эмас) кўпчиликни ташкил этди – 142 (76,4%).

- Шу билан бирга 137 (73,7%) оила (ота-оналар)да бўйин, орқа ва тананинг бошқа қисмларидаги терининг кўплаб папилломаси кўринишида ОПВ билан ассоциирланган бошқа касалликлар аниқланиб, улар папилломовирус инфекцияси бўйича салбий «оила фони»га киритилди.

Бундан ташқари, биз текширувдан ўтказган 90,8% (n=169) болалар оилада биринчи фарзанд эканлигини аниқладик. Текширувдан ўтказилган оилада биринчи туғилган болаларнинг оналари жинсий алоқадан сўнг биринчи йил ҳомиладор бўлган бўлиб, бу ўз-ўзидан тузалиш ёки сурункали шаклга ўтиш билан папиллома ва кандилома кўринишидаги клиник белгиларга эга вирусларни фаоллашуви ва кучли кўпайиши 24 ойгача (ўртача 6-12 ой) давом этиши ҳақидаги адабиётлардан олинган маълумотларга мос келади (Förster G., Boltze C., Seidel J., Pawlita M., Müller A., 2008).

Диссертациянинг **«Ҳиқилдоқ папилломатози билан оғриган беморларни даволашгача бўлган клиник текширув натижалари»** деб номланувчи учинчи бобида болаларда ХПнинг клиник кечишини ўзига хос хусусиятлари баён этилган. Ҳиқилдоқ папилломатози билан оғриган болаларни шифокорга мурожаат қилишининг асосий клиник симптомлари товушнинг бўғилиши ва нафас етишмовчилигидир. Бироқ, фаол ўсиш ва иммун тизимининг ривожланиши, шунингдек ҳаво-томчи инфекцияси (вирусларни ривожланиш омилларини провокацияловчи) билан фаол алоқада бўладиган ёши 1 дан 3 ёшгача аксарият (71,5%) беморларда касаллик товушнинг бўғилиши ва нафас етишмовчилиги билан бошланиши аниқланди.

Касаллик дебютининг иккинчи энг кўп учрайдиган симптоми кучли даражада ривожланган нафас етишмовчилигидир. Мазкур симптом билан ташҳис қўйилмаган 132 бемор (71%) клинкага бирламчи тушган. Уларнинг аксарияти (49,2% 2 ва 3 даражали) кучли нафас етишмовчилиги мавжуд болалардир.

Болаларда ўсиш жараёни, касалликнинг қайталаниши ва эҳтимол, даволаш натижасига таъсир қилувчи респиратор ХП тавсифида патологик ўчоқнинг бирламчи жойлашуви аҳамиятга эга. ХП билан оғриган 86 беморда бирламчи жойлашув тавсифи таҳлил қилинди. 58,1% ҳолатда 3 ёшгача манифестация кузатилди, бунда аксарият ҳолатларда ОПВ-6 тури аниқланди, ОПВ-11 тури эса эрта манифестацияли ва тез-тез рецидивланувчи кечимга эга (12,8%) беморларда қайд этилди. Тарқалган шаклли бирламчи локализация фақатгина 3 ёшгача манифестацияга эга гуруҳда кузатилди, 5 ёшгача бўлган беморларда ҳиқилдоқ усти соҳаси – кўпинча бу қизилўнгачнинг бошланғич қисми ва тилча билан танглай муртакларида жароҳатланиш кузатилди. 5 ёшдан катта беморларда манифестация вақтида фақатгина ҳиқилдоқ алоҳида якка жароҳатланди, бунда жароҳат товуш боғламлари билан чегараланди, камдан-кам ҳолларда жараён морганиев қоринчалари соҳасига тарқалди.

Эндоскопик ларингоскопия ва 3Д виртуал ларингоскопия билан МСКТ манзара - бир-бирини тўлдирувчи текширув усуллари бўлиб, улар ўсиш характерини аниқлаш билан ҳиқилдоқ юзасини текшириш, шунингдек кириб бўлмайдиган (товушости ва бош бронхгача ҳиқилдоқости) соҳаларни текшириш имконини берди.

МФВ кўрсаткичлари папилломаларнинг ўсиши ва товуш бурмаларининг қўшилмаганлик даражасини қисман тавсифлайди: папиллома қанча катта бўлса, максимал фонация вақти шунча кам, бу ХПнинг доимий рецидивланувчи шакли учун хос бўлиб, МФВ етарли даражада паст бўлди ($3,2 \pm 0,85$ сек), ҳатто ҳиқилдоқ юзасини обтурацияловчи йирик папилломалардан фарқ қилиб, фонация вақтида папилломанинг силжиши ҳисобига МФВ юқори рақамларга эга бўлиши мумкин.

Доимий рецидивланувчи шаклга эга ХП билан оғриган беморлар ҳиқилдоғида рН миқдорини ўлчаш натижасида кислоталилик даражасининг <4 дан ишончли юқорилиги аниқланди ва бу ҳолат кўпчилик тадқиқотчилар томонидан фаринголаренгиал рефлюкс сифатида белгиланади (Smit C.F., Koufman J.A.). Олинган қийматлар ишончли ва улар хушёрлик ҳолатида ўтказилган қўшимча текширувлар билан исботланди. Бу мазкур соҳа шиллик пардасининг доимий яллиғланишини таъминловчи, ҳиқилдоқда папилломанинг ўсишига олиб келувчи ва антирефлюкс терапия ўтказишни талаб қилувчи қўшимча патогенетик омил ҳисобланади.

Диссертациянинг **«Ҳиқилдоқ папилломатози билан оғриган болаларда иммунореактивлиқнинг ўзига хос хусусиятлари»** деб номланувчи тўртинчи бобида ХПбилан оғриган болаларнинг даволашгача бўлган иммунореактивлиги ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

Касалликнинг клиник кечишига мос равишда ХП билан оғриган болаларни иммунореактивлиқ ҳолати лейкоцитларнинг энг кўп камайиши касалликнинг доимий рецидивланувчи шаклида 96% аниқланишини кўрсатди, камдан-кам рецидивланувчи шаклида эса лейкоцитлар сони бирмунча 112% ошди. Бу ХПда хужайравий иммунтанқислиги ҳолатини шаклланишидан далолат беради. Т-лимфоцитлар ва уларнинг субпопуляциясини ўрганиш уларнинг энг кўп 82% камайиши ХПнинг доимий рецидивланувчи шакли учун хос эканлигини кўрсатди. Лимфоцитларнинг субпопуляцияларини ўрганиш ХПнинг доимий рецидивланувчи шакли билан оғриган болалар гуруҳида хужайравий иммунитетнинг энг чуқур пасайиши билан Т-хелпер/индукторларнинг нисбий миқдорини камайишини аниқлаш имконини берди. Лимфоцитларнинг апоптоз маркерини ўрганиш шуни кўрсатдики, ҳиқилдоқ папилоломатозининг доимий рецидивланувчи шакли билан оғриган болалар гуруҳида лимфоцитларнинг апоптозга тайёргарлигининг энг юқори фойизи аниқланди.

Мазкур далил айниқса, ХПнинг доимий рецидивланувчи шаклига эга болалар учун хос иммунтанқислик ҳолатини шаклланганлигини исботлаш учун асос бўлади. Гуморал иммунитетни ўрганиш унинг кучли фаоллашувини кўрсатди. Энг кўп иммуноглобулинлар миқдори ҳиқилдоқ

папилломатозининг тез-тез рецидивланувчи шакли билан оғриган беморларда кузатилди. ЦИК миқдорини текшириш шуни кўрсатдики, унинг энг юқори қиймати ҳиқилдоқ папилломатозининг доимий рецидивланувчи шаклига эга болалар гуруҳида қайд этилди. Олган натижаларимиз В-хужайравий (гуморал) иммун жавобни проактивацияси фонида чуқур Т-хужайравий иммунтанқислигини ривожла-нишини тасдиқлайди, бу ҳолат хужайра ичи вирусли инфекциясига қарши курашишда самарали натижа бермайди. Бизнинг аниқлашимизча, инфекцияланган хужайраларни йўқотишда Т-хужайравий иммун жавоб асосий рол ўйнайди ва ҳиқилдоқ папилломатозида у етарли даражада фаоллашмаган бўлади (1-расм).



1-расм. Ҳиқилдоқ папилломатози билан оғриган болаларда касалликнинг клиник кечишига мос равишда иммунореактивлик ҳолати

Касалликнинг доимий рецидивланувчи шаклида ИФН-альфага нисбатан антитаналар концентрацияси меъёр кўрсаткичларидан 2,6 марта, тез-тез рецидивланувчи шаклида – 2,3 марта, камдан-кам рецидивланувчи шаклида эса 2 марта кўп бўлди. Демак, ИФН-альфага нисбатан антитаналар ҳосил бўлишининг кучайиши кузатилади ва бу патологик жараённинг аутоиммунизацияси ҳамда унинг прогрессивлашувини таъминлайди.

Касалликнинг доимий рецидивланувчи шаклида ИФН-гамма миқдори 3,5 марта, тез-тез рецидивланувчи шаклида – 2,4 марта, камдан-кам рецидивланувчи шаклида эса 5 марта кўп бўлди. Шундай қилиб, биз, касалликнинг

ривожланиши мобайнида ИФН-альфа ни камайиши, ИФН-альфага нисбатан антитаналарнинг кўпайиши ва ИФН-γ нинг камайишини таъкидлашимиз мумкин (1-жадвал).

ХПда иммун тизимининг асосий регулятор цитокинлари спектри касалликнинг клиник кечишига мос равишда ХП билан оғриган болаларда ФНО-альфа миқдорининг ошишини кўрсатди ($p < 0,001$). Кўриниб турганидек, касалликнинг доимий рецидивланувчи шакли билан болаларда ФНО-α нинг зардоб миқдори назорат кўрсаткичларига нисбатан 5 марта, касалликнинг тез-тез рецидивланувчи шакли билан болаларда - 5,2 марта, камдан-кам рецидивланувчи шаклида эса - 9 марта ошди.

1-жадвал

Ҳақиқатдоқ папилломатозидида касалликнинг клиник кечишига мос равишда интерферон статус ҳолати

Текширилган гуруҳлар	ИФН-α	ИФН-γ	Антитела к ИФН- α
Доимий-рецидивланувчи шакл	11,8±2,2***	13,7±1,9***	8,4±1,7**
Тез-тез рецидивланувчи шакл	13,2±2,4***	9,2±1,9**	7,2±1,3**
Камдан-кам рецидивланувчи шакл	17,6±2,62***	19,7±2,1***^	6,4±1,29*
Назорат	44,25±3,4	3,86±0,48	3,2±0,64

Изоҳ: * - фарқлар назорат гуруҳига нисбатан аҳамиятли (* - $P < 0,05$, ** - $P < 0,01$, *** - $P < 0,001$)

Қизиғи шундаки, ХПнинг доимий рецидивланувчи шаклига эга болалар гуруҳида ФНО-α қийматининг назоратга нисбатан деярли - 9 марта, тез-тез рецидивланувчи шаклига нисбатан - 2 марта ва камдан-кам рецидивланувчи шаклига нисбатан - 1,8 марта сезиларли ошишидир.

Шундай қилиб, ФНО-альфа шундай цитокинки, у ўзининг хусусиятлари ва биологик таъсир спектрига кўра макрофаглар Т-лимфоцитларнинг ўзини маҳсулоти ҳисобланади. Демак, биз ишонч билан таъкидлашимиз мумкинки, ҳақиқатдоқнинг доимий рецидивланувчи папилломатозидида касалликнинг оғир кечиши кузатилади, бу иммунитетнинг хужайравий бўғинини пасайиши, гуморал омилларини фаоллашуви ва ўз навбатида яллиғланиш жараёнини қўллаб-қувватловчи ФНО-альфанинг камайиши билан боғлиқ (2-жадвал).

2-жадвал

Ҳақиқатдоқ папилломатозидида яллиғланишолди цитокинларининг қиёсий таъсифи, ($M \pm m$) нг/мл

Текширилган гуруҳлар	ФНО-α	ИЛ-6
Доимий рецидивланувчи шакл	22,9±3,1***	18,5±1,01***

Тез-тез рецидивланувчи шакл	23,7±4,1***	11,3±4,1^
Камдан-кам рецидивланувчи шакл	42,5±9,1***^	4,9±1,5^^^
Назорат	4,58±0,81	3,42±0,28

Изоҳ: * - фарқлар назорат гуруҳига нисбатан аҳамиятли (* - $P<0,05$, ** - $P<0,01$, *** - $P<0,001$), ^ - фарқлар доимий-рецидивланувчи шакл кўрсаткичларига нисбатан аҳамиятли (^ - $P<0,05$, ^^ - $P<0,001$)

Барча ўрганилган гуруҳларда ИЛ-6 концентрацияси юқори бўлди. ИЛ-6 концентрацияси таҳлили ХПнинг доимий рецидивланувчи шакли билан оғриган болалар гуруҳида ИЛ-6 миқдори – 5,4 марта, тез-тез рецидивланувчи шаклида – 3,3 марта, камдан-кам рецидивланувчи шаклида эса – 1,4 марта ошишини кўрсатди.

ИФН-альфани спонтан ишлаб чиқарилишини ўрганиш таҳлили шуни кўрсатдики, митоген таъсир этмаганда цитокин ишлаб чиқарилмайди. Асосан, спонтан ишлаб чиқариш даражаси ХПнинг доимий ва тез-тез рецидивланувчи шаклида назорат кўрсаткичларига нисбатан ишончли пасайди, яъни назорат гуруҳига нисбатан ИФН- α ни спонтан ишлаб чиқарилиши бир неча марта камайди (3-жадвал).

3-жадвал

Ҳақиқатдоқ папилломатози билан оғриган болаларда ИФН- α ни ишлаб чиқарилиши (спонтан ва индуцирланган)ни ўрганиш

Ҳақиқатдоқ папилломатози шакллари	ИФН- α	
	Спонтан ишлаб чиқарилиши	Индуцирланган ишлаб чиқарилиши
Доимий-рецидивланувчи шакл	22,8±0,7***	26,4±1,8***
Тез-тез рецидивланувчи шакл	26,9±1,7*^	37,3±4,1***^
Камдан-кам рецидивланувчи шакл	32,1±2,8^^	44,1±1,6***^^
Назорат	31,1±1,6	58,4±3,6

Изоҳ: * - фарқлар назорат гуруҳига нисбатан аҳамиятли (* - $P<0,05$, ** - $P<0,01$, *** - $P<0,001$), ^ - фарқлар доимий-рецидивланувчи шакл кўрсаткичларига нисбатан аҳамиятли (^ - $P<0,05$, ^^ - $P<0,001$)

Мазкур таҳлил касалликни ривожланиши билан вирусга қарши кучли цитокин, шунингдек ўсмага қарши таъсирга эга бўлган ИФН- α нинг нафақат концентрацияси, балки ишлаб чиқарилишини ҳам пасайишидан далолат беради. Демак, болалардаги ҳақиқатдоқ папилломатози интерферонлар миқдорининг камайиши билан тавсифланади, бироқ, спонтан ишлаб чиқаришдан ташқари ИФН- α нинг индуцирланган ишлаб чиқарилишини ҳам аниқлаш муҳимдир, мазкур кўрсаткич вирусга қарши муҳим ИФН- α ни ишлаб чиқариш учун иммункомпетент ҳужайралар заҳираси, яъни имкониятларини кўрсатади.

Мазкур далил доимо иммунотерапияга ёндошувда ўз аксини топади, чунки иммунотерапия масаласини албатта чуқур таҳлил қилиш асосида ва индивидуал ҳал этиш лозим. Яъни, интерферон дори воситалари билан ўрин эгалловчи терапияни ёки қачонлардир иммун тизимининг қўшимча пасайишига олиб келувчи интерферонларнинг индукторларини тайинлаш лозим.



Шундай қилиб, болалардаги ҳиқилдоқ папилломатозидида яллиғланиш олди цитокинлари (альфа-ФНО) миқдорини таҳлил қилиш касалликнинг кечиши ва унинг ривожланишини башорат қилиш мезони ҳисобланади, шунингдек спонтан ва индуцирланган альфа-ИФНни ўрганиш вирусга қарши ИФН-α ни ишлаб чиқариш учун иммункомпетент ҳужайралар захираси, яъни имкониятларини аниқлаш ва ўз навбатида интерферон дори воситаларини тайинлашни корреляциялаш имконини беради.

Диссертациянинг **«Папилломавирусли инфекцияда нафас йўлларидаги ўзгаришларни морфологик белгилари»** деб номланган бешинчи бобида гистологик ва цитологик текширувлар асосида ҳиқилдоқнинг шиллиқ пардасидаги ўзгаришларнинг морфологик ўзига хос хусусиятлари тақдим этилган. Морфологик тадқиқотлар натижасида ОПВ инфекциясига мансуб белгилар аниқланди: койлоцитлар, суркалган хроматин расми билан гипохромия, паракератоз белгилари ва юқори митотик фаоллик ва болалар учун хос бўлган – дискератозсиз эпителий базал қаватининг пролиферацияси. Гистологик ва цитологик маълумотларни таққослаш, хусусан, койлоцитлар (голоядроли ҳужайралар)ни аниқланиши цитологик текширувлардан бола-ларда ҳиқилдоқ папилломатозини бирламчи ташҳислашда ОПВнинг мавжудлигини экспресс аниқлаш усули сифатида фойдаланиш имконини беради.

Шундай қилиб, болаларда ҳиқилдоқ папилломатозини бирламчи ташҳислаш папилломавирусли инфекцияни цитологик аниқлаш билан 3D МСКТ эндоскопик текширувлар натижасида олинган маълумотларга асосланади.

Юқорида қайд этилганлар асосида биз ХПНи клиник кечиши таснифини ва ўз навбатида ХП билан оғриган болаларни юритиш ва даволаш алгоритминини ишлаб чиқдик.

